

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК:31:330.3(575.1)

Рузметов Тимур Хайрулла ўғли

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл
инвестицияларининг статистик тадқиқи

5A231401 – “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. А.Ҳ. Аюбжонов

ТОШКЕНТ – 2020

АННОТАЦИЯ

Диссертация ишида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларининг статистик тадқиқи ўтказилган.

Диссертациянинг кириш қисмида ўрганиш объекти, предмети, мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, ишнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган.

Диссертация ишининг биринчи бобида, иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларни статистик ўрганилган.

Ишнинг учинчи бобида, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш йўллари кўриб чиқилган.

Ишнинг якунида эса инвестицион самарадорликни ошириш ва рискларни камайтиришни бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

ANNOTATION

In the dissertation was conducted the statistical study of foreign investments attracted to the economy of Uzbekistan.

In the introduction of dissertation was told about object of study, the subject, the relevance of the topic, the scientific novelty, the purpose and objectives of the work.

The first chapter of the dissertation discusses the role and importance of investment in economic development.

The second chapter of the study provides a statistical overview of investment in the economy of Uzbekistan.

The third chapter discusses ways to accelerate investment in the economy.

At the end of the work, were provided recommendations for improving investment efficiency and risk reduction.

Магистрлик диссертация иши «Статистика» кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

1 - сонли баённома «12» 06 2020 й.

Илмий раҳбар:

Абдулмоминов Ф.Х. 3.06.2020
(илмий раҳбар и.ш.ф.) имзо сана

Такризчи:

Абдулмоминов С. 5.06.2020
(такризчи и.ш.ф.) имзо сана

Магистрант:

Рустамов И. 3.06.2020
(магистрант и.ш.ф.) имзо сана

Магистрлик диссертацияси химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «24» «06» 2020 йил куни ўтказилади.

МУНДАРИЖА

	бет
Кириш _____	4
I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ _____	9
1.1. Инвестицияларни ўрганишнинг назарий-иқтисодий моҳияти _____	9
1.2. Инвестицияларни мамлакат иқтисодиёти ривожланишида тутган ўрни ва аҳамияти _____	16
1.3. Инвестицияларни статистик ўрганишнинг аҳамияти _____	22
I-боб бўйича хулоса _____	33
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ _____	35
2.1. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларни статистик таҳлили _____	35
2.2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда рискларни статистик ўрганиш _____	39
2.3. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини статистик баҳолаш _____	48
II-боб бўйича хулоса _____	57
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ _____	59
3.1. Мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари _____	59
3.2. Инвестицион самарадорликни оширишни статистик баҳолаш _____	62
III-боб бўйича хулоса _____	75
Хулоса ва таклифлар _____	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____	80

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 24 январь 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёкилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.”¹

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш

¹Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” Ҳалқ Сўзи, 25январь 2020 йил, №19.